

Алимова Гулбаҳор
“Матншунослик ва адабий манбашунослик”
мутахассислиги
2-курс магистранти
Илмий раҳбар: ф.ф.н., доц. М. Эшмуҳамедова

Алишер Навоий йигит радифли мухаммасининг қиёсий тахлили

Навоий асарлари қўлёзмалари устида кўп изланишлар олиб борилган. Лекин унинг мухлислари қўлида сақланаётган асарлари ҳам талайгина. Уларнинг кўпи тадқиқот доирасига тортилган эмас. Шундай қўлёзмалардан бири шоир асарлари ўрин олган шахсий кутубхонамизда сақланаётган қўлёзмадир. Бу қўлёзма XIX асрга тегишли бўлиб, баёз тарзида ёзилган. Тадқиқотимиз натижасида бу қўлёзма Қўқонда кўчирилган деган фикрга келдик. Чунки матн Қўқон қоғозига кўчирилган ва баёзга киритилган шоирлар ҳам Қўқонда яшаб ижод қилганлар. Тадқиқ этилган қўлёзма таркиби:

- Хўжа Ҳофиз ғазаллари;
- Алишер Навоий ғазаллари,
- Навоийнинг Лутфий ғазалига ёзган мухаммаси, бошқа мухаммаслари;
мусаддаслари
- Акмал мусаддаси;
- Фузулий ғазаллари;
- Бедил ғазаллари;
- Залилий ғазали;
- Мавлоно Жомий ғазаллари;
- Амирий ғазаллари;
- Шайдо ғазаллари ва унинг Мушфикий ғазалига мухаммаси;
- Шавкат ғазали;
- Камол ғазали;
- Шавқий ғазали;
- Зайнаб ғазали;
- Мирзо Содик; ғазали;
- Афғон; ғазали;
- Муҳаммад Алихон ғазали;
- Ҳофиз ғазали;

- Сойиб ғазали;
- Ҳодик Нозим Ҳиротий ғазали;
- Форуқи Туғро Муҳаммаси;
- Зокир Хожа Эшон ғазали;
- Муножоти Саййидо Насафий.

Алишер Навоийнинг барча асарлари жамланиб, “Мукаммал асарлар тўплами” 10 томлик, 15 томлик ва 20 том сифатида халққа тақдим этилди.

“Ҳазойину-л-маоний” куллийетидан шоирнинг 10 та муҳаммаси ўрин олган. Маълумки, муҳаммас арабча “бешлик” маъносини билдириб, ҳар бир банди беш мисрадан иборат шеър шакли ҳисобланади. Муҳаммаслар яратилиш хусусиятига кўра 2 хил бўлади:

- 1) таъби худ, яъни мустақил муҳаммас;
- 2) тахмис – ғазални бешлантириш асосида яратиладиган муҳаммас.

Таъби худ муҳаммасда барча мисралар бир шоирнинг ўзи томонидан яратилади. Бунда ижодкор ўзга шоир шеърини асос қилиб олмайди, балки ўзи мустақил равишда бешлик яратади. Тахмисда эса муаллиф ўзга шоир ёки баъзида (жуда кам ҳолларда) ўз ғазалини асос – замин қилиб олиб, шу мавзунини давом эттиргани ҳолда, вазн, қофия ва радифни сақлаб қолиб бешлик яратади. Бунда асос қилиб олинган ғазалдаги ҳар байтнинг юқори қисмига уч мисра қўшилади.¹

Навоийнинг 20 томлик Мукаммал асарлар тўпламининг 3-томидан “Ҳазойину-л-маоний” ўрин олган. Унинг 1-девони ҳисобланган, “Ғаройиб ус-сиғар”да шоирнинг Лутфий ғазалига боғлаган муҳаммас ва Султон Абулғозийга боғлаган муҳаммаси ўрин олган. “Ҳазойину-л-маоний”нинг 2-девони “Наводиру-ш-шабоб” 20 томлик “Мукаммал асарлар тўплами”нинг 4-томидан ўрин олган. Унда Навоийнинг Лутфий ғазалига боғлаган муҳаммаси ва шоир ўзининг икки ғазалига боғлаган муҳаммаси берилган. “Ҳазойину-л-маоний”нинг 3-девони “Бадоеу-л-васат”дир. У мазкур Мукаммал асарлар тўпламининг 5-томидан урин олган. Унда шоирнинг Лутфий ғазалига ва ўз ғазалига боғланган муҳаммаси берилган. “Ҳазойину-л-маоний”нинг 4-девони “Фавоиду-л-кибар”. Мукаммал асарлар тўпламининг 6-томидан ўрин олган бўлиб, бу девонда Навоийнинг 2 та муҳаммаси ҳамда унинг ўз ғазалига боғлаган муҳаммаси ўрин олган.

Навоий тахмисларининг “Ҳазойин ул-маоний”да жойлашиш ўрнини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

¹ Юсупова Д. (2014) “Алишер Навоий муҳаммаслари ўз ғазалларига боғланганми?” Электрон мақола: muloqot.uz

Мухаммас	“Ғаройиб ус- сигар”	“Наводир уш- шабоб”	“Бадоеъ ул- васат”	“Фавойид ул- кибар”
Лутфийга тахмис	1	1	1	0
Ўз ғазалларига тахмис	1	2	1	2
Султон Аbugозига тахмис	1	0	0	0
Жами	3	3	2	2

Биз бу ўринда Алишер Навоий Мукамал асарлар тўпламининг 6-томидан ўрин олган унинг ўз ғазалига боғлаган мухаммасини таҳлил қилмоқчимиз. Бу мухаммас шахсий кутубхонада сақланаётган қўлёзмдан ўрин олган. Унинг матни қуйдагича:

Жилва қилди даҳр аро кўп ҳусни беҳамто йигит
 Гул каби нозик баданлик сарвдек раъно йигит
 Ушбу мажмаъдинки, бўлғай эрди минг зебо йигит,
 Қўнглум олди бир парийпайкар малак сиймо йигит
 Ким, бани одамда андоқ бўлмамиш пайдо йигит.

Ул парийвашким, қилур сайри хиёбони Ҳирот,
 Кўзга истиғноси ҳуснидин кўрунмас коинот,
 Оллида бош қўйса минг зоҳид қилур қатъи ҳаёт,
 Йўлида юз минг куҳан пир ўлса қилмас илтифот,
 Кимса кўрганму экин бу навъ бепарво йигит.

Ўтти умр ул хўблар шоҳидин айру моҳу сол,
 Деб: эмишсен ўлтурурмен гар висол этсанг ҳаёл,
 Сен қари қулға висоли худ эрур амри маҳол.
 Зорлиғлар бирла ўлмай топмағумдур худ висол,
 Не учунким, мен қари қулдурмен, ул мирзо йигит.

Ишқ ўтин афсурда жонимдин совутсам яхшироқ,
 Зухду такво бирла қўнглумни овутсам яхшироқ,
 Қад эгилди, сарвқадлар тарки тутсам яхшироқ.

Бош оқарди, сабзхатларни унутсам яхшироқ,
Ким, хуш эрмастур йигитлар базмида ало йигит.

Неча шайхи хонақоҳ авродида фарёд этай,
Дермен эмди бош олиб дайри фано сари кетай,
Кофири ишқ ўлган эл побўсиға доғи етай,
Дайр пири мазҳабин тутмай, мусулмонлар, нетай,
Олган ўлса нақди имонимни бир тарсо йигит.

Оҳким, ўткарди умрим хушлуғин чархи даний,
Совуғ оҳим бирла сарғарди ҳаётим гулшани,
Гарчи май ичмак эмас умрин кечурмак эл фани,
Эй Навоий, қариб ўзни солмаким, айлар сени,
Бир қадах май бирла ул шўхи қадах паймо йигит.

Навоийнинг 20 томлик Мукаммал асарлари тўпламига киритилган ушбу мухаммас матни билан юқорида айтиб ўтилган қўлёзмадан ўрин олган мухаммас матнида фарқли томонлар бор. Биринчи бешликда ҳеч қандай фарқ кўрганимиз йўқ.

Қўлёздаги мухаммаснинг иккинчи банди Мукаммал асрлари тўпламида 5-банд бўлиб келган, 20 томлик Мукаммал асрлари тўпламида мухаммаснинг 2-банди шундай келади:

Саркаши аблақ секретиб, даврондек ул хуршидваш,
Эғнида заркаш либоси доғи андоқким қуёш,
Хулқи ҳам хуш, ҳусни ҳам дилкаш, ўзи ҳам журъакаш,
Оти саркаш, тўни заркаш, ҳусни дилкаш, хулқи хуш,
Қўрмадук бу навъ маҳваши чобуку раъно йигит.

Мухаммаснинг қўлёзмадан ўрин олган иккинчи бандида ҳам фарқ учрайди: учинчи мисрада қўлёзда “оллида бош” деб берилган бўлса, 20 томликда “оллиға юз” деб берилган.

Оллида бош қўйса минг зоҳид қилур қатъи ҳаёт, (К)

Оллиға юз қўйса минг зоҳид қилур қатъи ҳаёт, (М а т)

Қўлёзмадаги кейинги банд 20 томликда 4-банд бўлиб келган. Бу банд ичида ҳам фарқлар бор. Қўлёзмада мухаммаснинг 2-мисраси “деб эмишсен” 20 томликда эса “дер сени” шаклида келган.

Деб: эмишсен ўлтурурмен гар висол этсанг хаёл, (К)

Дер: сени зор ўлтурурмен гар висол этсанг хаёл, (М а т)

Қўлёзмада 3-банддаги 2-мисра билан 3-мисра ўрни 20 томликда алмашиб келган.

Қўлёзманинг 3-мисрасидаги „сен“ сўзи 20 томликда “мен” бўлиб келган.

Деб: эмишсен ўлтурурмен гар висол этсанг хаёл,

Сен қари қулға висоли худ эрур амри маҳол. (К)

Мен қари қулға висоли худ эрур амри маҳол.

Дер: сени зор ўлтурурмен гар висол этсанг хаёл, (М а т)

Қўлёзмадаги мухаммаснинг 4-банди 20 томлик билан солиштирилганда матнда фарқлар кузатилди, лекин 20 томликда ушбу 4-банд 8-банд бўлиб келган. Қўлёзмада биринчи мисрада “ишқ ўтин” деб келтирилган бўлса, Мукаммал асрлар тўпламида “ишқни” деб келтирган.

Ишқ ўтин афсурда жонимдин совутсам яхшироқ, (К)

Ишқни афсурда жонимдин совутсам яхшироқ, (М а т)

Мухаммаснинг 3-мисрасида ҳам фарқлар сезилиб туради: қўлёзмада “тарки тутсам” бўлса 20 томликда “унутсам”, мухаммаснинг 4-мисрасида эса аксинча, қўлёзмада “унутсам” 20 томликда “тарки тутсам” кўринишида келган.

Қад эгилди, сарвақдлар тарки тутсам яхшироқ.

Бош оқарди, сабзхатларни унутсам яхшироқ, (К)

Қад эгилди, сарвақдларни унутсам яхшироқ.

Бош оқарди, сабзхатлар тарки тутсам яхшироқ, (М а т)

Кейинги бандда фарқлар кузатилмади. Қўлёзмадаги 5-банд 7 –банд бўлиб келган.

Қўлёзмадаги охирги банд 20 томликда ҳам худди шу банд билан якунланади. Фақатгина қўлёзмада 1-мисра “умрим” дейилган, китобда эса “умрум”.

Оҳким, ўткарди умрим хушлуғин чархи даний, (К)

Оҳким, ўткарди умрум хушлуғин чархи даний, (М а т)

қўлёзмада 3-мисра эса “кечурмак”, 20 томликда “кечирган”.

Қўлёзма билан Мукамал асарлар тўпламидаги фарқларни кузатишда давом эттирадиган бўлсак: 3-банд қўлёзмада мавжуд эмас, Мукамал асарлар тўпламида эса 3-банд матни шундай:

Саркаши аблақ секретиб, даврондек ул хуршидваш,
Эгнида заркаш либоси доғи андоқким қуёш,
Хулқи ҳам хуш, ҳусни ҳам дилкаш, ўзи ҳам журъакаш,
Оти саркаш, тўни заркаш, ҳусни дилкаш, хулқи хуш,
Қўрмадук бу навъ маҳваши чобуку раъно йигит.

Ишқ ошуби балосин то қилибмен ихтиёр,
Қўз, юзин кўрган замону кўнглум аро қолмас қарор,
Қўнглум ўлса васлиға мойил бўлур кўз ашкбор,
Ишқида кўзу кўнгулнинг бир-биридин рашки бор,
Оллоҳ-Оллоҳ бўлур эрмиш мунча ҳам зебо йигит.

Ҳам кўзунгдин кўнглума ҳар лаҳза ортиб юз малол,
Ҳам хатингдин хотирим ичра паришон юз хаёл,
Кўюнғ ичра дарду ранжу меҳнатим безътидол,
Йўлунг узра ҳам гадомен, ҳам қари, ҳам хаста чол,
Бир боқиб ўт ҳолима ҳуснунг закоти, о йигит

Биз шахсий кутубхонамизда сақланаётган қўлёзмани Алишер Навоий номидаги Адабиёт ва санъат музейида 698 рақам остида сақланаётган қўлёзма билан ҳам солиштириб кўрдик. Биринчи банднинг биринчи мисраси қўлёзмада ва Мукамал асарлар тўпламида “кўп бўлиб келган бўлса, 698 сақланиш рақамли остидаги қўлёзмада “ким” бўлиб келган.

Жилва қилди даҳр аро кўп ҳусни беҳамто йигит

Жилва қилди даҳр аро ким ҳусни беҳамто йигит (698)

Биринчи банднинг 3-мисрасидаги “ерди” сўзи ҳам 698 рақамли қўлёзмада йўқ. Шахсий кутубхонада сақланаётган қўлёзмадаги 3-банднинг 2-мисрасида “зор” сўзи Мукамал асарлар тўплами ва 698 рақамли қўлёзмада йўқ. 20 томлик Мукамал асарлар тўпламида 698 рақамли қўлёзмада 2-мисра билан 3-мисранинг ўрни алмашган ва қўлёзмадаги 3-мисрада “сен” сўзи 698 рақамли қўлёзмада “мен” бўлиб келган.

Сен қари қулға висоли худ эрур амри маҳол.

Мен қари қулға висоли худ эрур амри маҳол.

Қўлёзманинг 4-бандини солиштирсак қуйидагича бўлиб ўзгариб кетган.

Ишқ ўтин афсурда жонимдин совутсам яхшироқ,
Бош оқарди, сабзхатлар тарки тутсам яхшироқ,
Қад эгилди, сарвқадларни тарки унутсам яхшироқ.
Зухду тақво бирла кўнглумни овутсам яхшироқ,
Ким, хуш эрмастур йигитлар базмида ало йигит.

Алишер Навоийнинг бу мухаммасини 20 томлик Мукамал асарлар тўплами, Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти институти қошидаги Адабиёт ва санъат музейи фондида 698 рақами остида сақланаётган қўлёзмалари матнини шахсий кутубхонамизда сақланаётган қўлёзма матнига солиштирганимизда, кўпгина фарқли жиҳатларини кўрдик. Юқорида кўрсатиб ўтқанимиздек, бу фарқлар бандларнинг кетма-кетлигининг турлича ўринда жойлашганлиги, айрим банднинг у ёки бу қўлёзмадан тушиб қолганлиги, бу қўлёзма ва 20 томликда мисралар матнида сўзларнинг турлича ишлатилишида кўринди. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, Алишер Навоий асарлари кўп томликлар мисолида бир неча марта чоп этилган бўлса ҳам, бу борадаги тадқиқотларга ҳам чек қўйилмаган. Чунки шоир асарлари қўлёзма манбалари унинг кўп сонли мухлислари қўлида ҳам сақланадики, буни эътибордан қочирмаслик лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Юсупова Д. “Алишер Навоий мухаммаслари ўз ғазалларига боғланганми?” Электрон мақол 2014
2. Алишер Навоий Мукамал асарлар тўпламининг 20 томлик
Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти Т 1987
3. Quronov D. Adabiyotshunoslik lug'ati. – Т.: “Akademnashr”, 2010.
4. Valixo'jayev B. O'zbek adabiyotshunosligi tarixi (IX – XIX asrlar). – Т.: “O'zbekiston”, 1993.